

## БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИ МАЛАКАЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

**Ахмедов Баходир Исмоилович**

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кадрлар бўлими ташкилий-штат  
ишлари гуруҳи, бош инспектори  
подполковник**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11258821>

**Аннотация:** Мазкур мақолада муаллиф безорилик жиноятларини квалификация қилишда учрайдиган айрим муаммолар, уларни батараф этиш йўллари, суд-ҳуқуқ амалиётида учраётган қийинчиликлар ҳақида фикр юритган.

**Калит сўзлар:** Безорилик, жамоат тартиби, уриш-дўппослаш, шикаст етказиш, нобуд қилиш, бир гуруҳ шахслар.

Жаҳонда безорилик оқибатида содир этилган жиноятларга қаршилик кўрсатишнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари, жамоат тартибини сақлаш, маъмурий ва жиноий безориликни бир-биридан фарқлаш; безориликни туғри квалификация қилиш; жамоат тартибини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш; безорилик ва безорилик оқибатида содир этилган жиноятларнинг криминологик жиҳатларини илмий ва амалий нуқтаи назардан ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, ЖКнинг жамоат тартибини муҳофаза қилувчи нормаларини қўллаш амалиётини яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятини яхшилаш, одиллик, инсонпарварлик тамойилларига риоя этилишини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ безорилик жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, жамиятга нисбатан очиқ-ойдин ҳурматсизликни ифода этиб, қуйидаги ҳоллардасодир этилади:

а) уриш-дўппослаш билан; б) баданга шикаст етказиш билан; в) ўзганинг анча миқдордаги мулкига шикаст етказиш билан; г) ўзганинг анча миқдордаги мулкни нобуд қилиш билан; д) ўзганинг анча миқдордаги мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, уриш-дўппослаш ва баданга шикаст етказиш билан (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми).

**Жамиятда юриш-туриш қоидалари деганда** – қонунларга, ахлоқ-одоб нормаларига, жамиятда мавжуд бўлган урф-одат ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш тушунилади.

В.И.Ткаченконинг фикрича, безорилик жамоат тартиби қўпол равишда бузилган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган безориликда аҳамиятга эга бўлади, агар безорилик ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишга сабаб бўлса, қилмиш ва келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланиши лозим<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Ткаченко В.И. Преступления против общественной безопасности // Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть. – М., 2019. – С. 264.

С.Л.Сибиряковнинг фикрича, зўрлик инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабаб бўлувчи бир ёки бир гуруҳ шахслар томонидан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатишдир<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, безорилик ҳар доим фаол ҳаракатлар шаклида намоён бўлади. Бу ҳаракатлар ўз хусусиятига кўра жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизликни, ўзига ёки бошқаларга аниқ ва ошкора ҳолда умум томонидан тан олинган хулқ-атвор, ахлоқ-одоб қоидаларига эътибор бермасликда ифодаланади. Бу қилмишлар оқибатида баданга шикаст етказилган ёки ўзганинг анча миқдордаги мулки нобуд қилинган ёхуд унга шикаст етказилиши шарт, яъни жиноий оқибат келиб чиқиши талаб этилади.

Безориликда ишлатиладиган зўрликни тўғри баҳолаш учун унинг турларини кўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг айрим нормаларида зўрликнинг: зўрлик, соғлиқ ёки ҳаёт учун хавfli бўлган зўрлик, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик турлари назарда тутилган. Безорилик содир этилганида зўрликнинг юқорида келтирилган барча турлари бир пайтда ишлатилиши мумкин. Ўрганган жиноят ишларининг 92 % да қилмиш уриш-дўппослаш ва баданга шикаст етказишда ифодаланувчи ҳаракатлар орқали содир этилган.<sup>3</sup>

Безориликда ишлатиладиган зўрликнинг биринчи тури уриш-дўппослашдир. Бунинг зарурий шarti инсон баданига шикаст етказилмаган ҳолда унинг танасига бир неча маротаба зарба бериш тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида уриш-дўппослаш - айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш<sup>4</sup> эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси юридик энциклопедиясида “**дўппослаш** – шахсга уч ёки ундан ортиқ марта зарба бериш деб таъриф берилган<sup>5</sup>.”

Бизнинг фикримизча уриш-дўппослашда айбдор жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир маротаба зарба беришнинг ўзи кифоядир.

Биз қуйида безориликни содир этишнинг одатий (энг кўп кузатиладиган) усулларида учрайдиган айрим муаммоларни кўриб чиқамиз:

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган безорилик бизнинг фикримизча бир гуруҳ шахслар томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш каби камида битта жиноий оқибатнинг келиб чиқиши шарт. Қонун мазмунига кўра, гуруҳ аъзоларининг безорилик ҳаракатларини содир этишдан олдин келишган ёки келишмаганлиги уни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Шахслар гуруҳлари ёки уюшган гуруҳлар томонидан олдиндан келишув асосида содир этиладиган, жамиятга нисбатан аниқ ҳурматсизликни ифодаловчи жамоат тартибини қўпол равишда бузиш усулининг жамоат хавфи остида

<sup>2</sup>Сибиряков С.Л. Допреступные и криминальные отклонения в поведении детей и подростков: «Бермудский треугольник XXI века». – Волгоград, 2001. – С. 174.

<sup>3</sup>Д.Ю.Каракетова. "Безориликнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик. фан. фал.дос. автореферати. Тошкент-2021 йил.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006, 2-жилд. – Тошкент:

<sup>5</sup>Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. –Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 142.

бир шахс томонидан содир этиладиган безориликдан фарқи унинг жамоавий предметида бўлади. Жиноий гуруҳлар томонидан содир этиладиган безориликнинг (олдиндан келишилган ёки келишилмаган) криминалистик ва жиноий-ҳуқуқий тавсифи унинг содир этилиш усулида алоҳида ажратилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг статистик маълумотларига кўра, Республикамиз бўйича 2024 йилда ЖКнинг 277-моддаси билан боғлиқ 3231та жиноят иши тамомланган бўлиб, уларнинг энг юқори миқдори, яъни 473 таси бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган. Гуруҳ аъзоларининг олдиндан тил бириктириб безорилик содир этиши жамият учун айниқса хавфли эканлиги, бунинг натижасида бошқа оғир жиноятлар содир этилиши мумкинлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмига безорилик жинояти **“уюшган гуруҳ томонидан ва унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса”** деб номланувчи алоҳида бандни киритиш бу турдаги жиноятларни тергов қилишдаги муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Гуруҳ безорилигида ҳар бир иштирокчининг жиноят содир этишдаги ролини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилган жиноят ишида гуруҳ иштирокчилари томонидан безориликни содир этишдаги ролига етарлича баҳо берилмаган. Амалдаги жиноят қонунчилигида безорилик ҳаракатлари икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этиладиган ҳолатлар инобатга олинмаган. Шу сабабли бундай ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинмоқда. Безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлсада, унда жамоат тартиби билан биргаликда икки ва ундан ортиқ шахсларнинг соғлиғига ёки мулкига шикаст етказилади. Бу каби ҳолатларни тўғри квалификация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисмига **“икки ва ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса”** деб номланган алоҳида банд киритиш лозим.

Ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намоишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан содир этилган безориликда умум (омма) эътироф этган (қабул қилган), ҳурмат қиладиган, жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор, ахлоқ қоидаларини намоишкорона, яъни ошкора менсимаслик тушунилади<sup>6</sup>.

Кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган безориликда айбдор ўзганинг кўп миқдордаги мулкига (базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз баравари миқдоридаги моддий зарар) шикаст етказиши ёки ўзганинг кўп миқдордаги мулкани нобуд қилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддасида бировнинг жуда кўп миқдордаги мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиб содир этилган безориликни квалификация қилиш учун алоҳида норма мавжуд эмас. Бу каби ҳолатлар тўғри квалификация қилиш ҳамда айбдор шахснинг қилмишига адолатли жазо тайинлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмига “жуда кўп

<sup>6</sup>Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Тошкент, Адолат-2014 йил.

миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкни нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса” деб номланган алоҳида бандни киритишни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси гарчи жамоат тартибига қарши жиноятлар туркумига киритилган бўлсада, бировнинг мулки нобуд қилиниши ёки унга шикаст етказилиши билан бевосита боғлиқдир. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдор шахсга нисбатан енгилроқ жазо қўллашни назарда тутадиган рағбатлантирувчи норма мавжуд эмас. Бизнингча бу ҳолат ҳанузгача моддий зарарни қоплаш чораларига ҳали ҳам етарли даражада эътибор берилмаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси 2-қисмида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги<sup>7</sup>, яъни мулк шаклидан қатъий назар даҳлсиз эканлиги ҳақидаги норма мустаҳкамланган. Безорилик натижасида жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахсларга етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддасига 4-қисм қўшиб, уни қуйидаги тахрирда, яъни “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш билан боғлиқ жазо қўлланилмайди” деб баён этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисмининда кўрсатилган безориликни содир этган шахслар жабрланувчи билан ярашган тақдирда, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талабларни бажарса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш мақсадга мувофий бўлар эди.

Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган безорилик ҳолатларида, безориликни такроран деб топишда, уни икки ёки ундан ортиқ маротаба содир этиш, турли вақтларда содир бўлиши ҳамда шахс уларнинг бирортаси учун судланмаган ва жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлиши лозим. Айнан шу белгилар мавжуд бўлганда безорилик жинояти такроран деб топилади.

**Хавфли рецидив**-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 2-қисмида берилган бўлиб, унга кўра шахс илгари содир этган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси такроран содир этишга нисбатан юқоридир.<sup>8</sup> Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 16-бандида рецидив жиноят бир неча жиноят турлари ичида энг ҳавфлиси бўлиб, у шахс томонидан жиноий ҳулқ-атвор давом эттириляётганлигидан далолат бериши маълум қилинган.<sup>9</sup> Бизнингча қонунчиликда бу икки субъектни алоҳида бандларга ажратиш (дифференциация қилиш) лозим бўлиб,

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикасининг конституцияси 52-моддаси 2-қисми. 2014 йил-Тошкент.

<sup>8</sup>Д.Ю.Каракетова. Такрорий жиноят ва унинг белгилари. “Ҳуқуқ ва бурк” 2012 йил 12-сон.

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 15.05.2008 йил, “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарори. 16-банди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисмига “такроран” деб номланган алоҳида банд киритиш лозим.

Оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда безорилик содир этиш усули, оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида тан олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарорида “оммавий тадбир деганда, белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил этилган расмий тадбир (байрам сайллари, намоёишлар, митинглар, мажлислар, сайловлар, халқ ҳашарлари ва ҳ.к.)лар тушунилиши” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш пайтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори <sup>10</sup> тасдиқланган. Мазкур қарорда оммавий тадбир тушунчасига “100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар) маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (музикавий, адабий, ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намоёишлар ва ўйинлар, кўрик танловлар ва бошқалар), шунингдек, умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш, мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликдаги қатнашишлари” деб таъриф берилган.

Безориликнинг расмий ёки расмий бўлмаган оммавий тадбирларда содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилигига таъсир қилмай, ҳар икки вазият ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-модда 3-қисми “в” банди билан квалификация қилинади.. Оммавий тадбирнинг ваколатли орган рухсати билан ўтказилмагани Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 200<sup>1</sup> ёки 201-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка тортишга сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда телефон ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб кибербезорилик содир этилиши кузатишмоқда, натижада фуқароларнинг тинчлиги бузилиб, уларга маънавий зарар етказилмоқда, қонунчиликда безориликнинг мазкур тури учун жазо чоралари кўрсатилмаган. Мазкур ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси МЖТКга янги 183<sup>1</sup>- моддаси киритилиб, уни қўйидаги таҳрирда, яъни, “Кибер безорлик яъни уяли алоқа воситалари ёки ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда сўқиниш, ҳақорат қилиш, тунги вақтларда қўнғироқлар қилиш ёки фуқароларнинг тинчлигини бузиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.” деб баён этилиши ва аynи пайтда Ўзбекистон Республикаси ЖКга 277<sup>1</sup>-модда киритилиб, қўйидагича таҳрирда, яъни “Кибер безорлик яъни уяли воситалари ёки ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда сўқиниш, ҳақорат қилиш, тунги вақтларда қўнғироқлар қилиш ва фуқароларнинг тинчлигини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса-базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.08.2014 йилдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон қарори

мажбурий ишлар ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади” деб баён этиш лозим.

Юқоридагиларга асосан, безорилик содир этишнинг усуллари тўғри аниқлаш, уни бошқа жиноятлардан фарқлаш ва квалификация қилишда ҳамда терговни режалаштириш ва алоҳида тергов ҳаракатлари ўтказишда муҳам аҳамият касб этади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2014 йил-Тошкент.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрдаги 2012-XII-сон Фармони. «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 йил.
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. Тошкент: Адолат, 2010.
4. “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли қарори.
5. Д.Ю.Каракетова. "Безориликнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик. фан. фал.дос. автореферати. Тошкент-2021 йил.
6. Д.Ю.Каракетова. Такрорий жиноят ва унинг белгилари. "Ҳуқуқ ва бурк" 2012 йил 12-сон.
7. Кустов А.М. Криминалистическое учение о механизме преступления: Дис. ... докт. юрид. наук. М., 1997.
8. Борисов С.В. Хулиганство: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005.
9. Ткаченко В.И. Преступления против общественной безопасности // Уголовное парво Российской Федерации. Особенная часть. –М, 2019.
10. Иващенко А. В. Насилие и уголовный закон // Социально-правовые проблемы борьбы с насилием: межвуз. сб. науч. тр. – Омск, 1996.
11. Махмудов, Р. М., & Акбаров, Л. И. (2021). ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ ПСИХОЛОГИЯСИ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, 4(2).
12. Muratovich, M. R. (2023). Rajaboevich IA HARBIY XIZMATCHILARNING KASBIY ONGINI SHAKLLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISHDA UZLUKSIZ JARAYON SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 36(1), 32-34.
13. Махмудов, Р. М. (2010). Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг назарияси ва амалиёти. Ўзбекистон Респ. Ички ишлар вазирлиги Акад. Тошкент: Фан, 210.
14. Сибиряков С.Л. Допреступные и криминальные отклонения в поведении детей и подростков: «Бермудский треугольник XXIвека». – Волгоград, 2001.